

КАРБАМИД – ЮҚОРИ САМАРАЛИ МИНЕРАЛ ЎҒИТ

2 бет



Проведен конкурс "MODERN SPECIALIST"

3 стр.



НАСТАВНИЧЕСТВО – ДОБРАЯ ТРАДИЦИЯ

4 стр.



ШОН-ШАРАФ СЕНГАДИР ВАТАН ЎҒЛОНИ!

■ **Харбийлик** — чин маънода шарафли касб. Бу ўтган қисқа даврда мазкур тизимда амалга оширилган изчил ислохотлар, соҳа вакиллари учун яратилаётган бекиёс имконият ва имтиёзлар самарасида кўзга яққол ташланади. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда бўлиб ўтган тадбирларда ушбу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

мукофотлари тантанали топширилди.
– Бу галги байрам мен учун унутилмас бўлиб қолади. Фаолиятим муҳтарам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан юқсак давлат мукофотига лойиқ топилгани зиммамдаги масъулиятни янада оширди, – дейди "Жасорат" медали соҳиби, капитан Нурали Бўрибоев. – 10 йиллик фаолиятим давомида биз ҳарбийларга яратилаётган шарт-шароитларга гувоҳ бўлиб турибман. Бу унвонни мен билан бирга фаолият олиб бораётган барча сафдошларимга билдирилган ишонч деб биламан. Тадбирда Мудосфаа вазирининг буйруғи билан бир гуруҳ соҳа вакилларига ҳарбий унвонлар, кўкрак нишонлари топширилди.

Фарғона вилоятида ҳам мазкур байрам кенг нишонланди. Эрта тонгда Фарғона шаҳридаги Хотира хиёбони янада гавжум бўлди. Ҳарбий оркестр садолари остида вилоят ҳокимлиги, Шарқий ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги ва унга қарашли ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, корхона, ташкилот, бўлим ва бошқармалар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари "Мотамсарона" ҳайкали пойига гулчам-

бар кўйдилар. Тадбир иштирокчилари янги ташкил этилган "Ватанпарварлар боғи"да ҳам бўлдилар. Ҳарбий техникалар, жанговар асраҳалар намунаси акс этган ушбу боғ айниқса, ёшларга ўзгача кайфият бахш этди.
– Мен икки бўлажак юрт посбонларининг онасиман, – дейди Фарғона шаҳрининг Оқариқ маҳалласида истикомат қилувчи Элзодаҳон Нурматова. – Бугун ҳарбий либос кийган юрт посбонларини кузатиб менинг ҳам дилбандларим ҳам келгусида улар

каби бўлишларини ният қилдим. Бундай тадбирларда ҳар сафар оиламиз билан иштирок этамиз. Тинчлигимиз посбонлари билан фахрланамиз. Хотира хиёбонидан бошланган ва шаҳар кўчалари бўйлаб саф тортиб ўтган ҳарбийлар, ҳарбий техникалар намойишини юртдошларимиз фахр ифтихор билан кузатиб, олқишлади.

Тантанали маросим Ислон Каримов номидаги вилоят Театр-концерт саройида давом этди. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев-

нинг Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини вилоят ҳокими Шўхрат Ғаниев ўқиб эшиттирди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди. Ватанимизнинг юқсак ордени ва медаллари билан мукофотланганлар сафида фарғоналикларнинг ҳам борлиги янада қувонарлидир. Тадбирда уларга давлат

Мақсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА



"ЎЗКИМЕСАНОАТ":

31 ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН

■ 2019 йил "Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти фаолиятида самарали яқунланди. Тизимда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги корхона, янги иш ўринлари яратилди.

"Ўзкимёсанот" АЖ асосан минерал ўғит ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди. Бугунги кунда органик, ноорганик, кимё реагентлари каби бошқа турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган ҳисобига улар сонини 108 тага етди. Бу эса умумий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 23 фоизини ташкил этмоқда. 2019 йилда 6,3 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Утган йилда соф ҳолда жами 1 миллион 220 минг тонна, жумладан, 900 минг тонна азотли, 120 минг тонна фосфорли, 200 минг тонна калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, маҳсулот турларини маҳаллийлаштириш ҳисобига 806 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Бу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида эълон қилинди. Матбуот анжуманида "Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Шавкат Набиев кимё sanoatини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросида Президентимизнинг 2019 йил 3 апрелдаги "Кимё sanoatини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим ҳужжат эканини ҳамда унинг мазмун-моҳияти қандай мақсадларга қаратилганини атрофлича таҳлил қилиб берди. Таъкидланганидек, мазкур қарор билан Кимё sanoatини ривожлантиришнинг 2019-2030 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланган. Дастур доирасида қиймати 12,1 миллиард долларга тенг, шундан 1,7 миллиард доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган 31 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

– Кимё соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш борасида охириги 3 йилда ўзлаштирилган инвестициялар 1 миллиард 373 миллион доллар бўлиб, бундай ҳажмдаги инвестиция аввалги ўн йилларда ҳам киритилмаганини алоҳида қайд этиш ўринлидир, – деди Ш. Набиев. – Декабрь ойининг сўнгги кунлари "Навоийазот" акциядорлик жамиятида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Янги корхонада йилга 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларга автомобилсозлик, тўқимачилик, металлургия, кимё, нефть-газ тармоқлари, электр техникаси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда талаб юқори. Улар шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қилинар эди. Айниқса, кичик бизнес субъектлари бу масалада жуда қийналарди. Бу янги мажмуа юртимиз корхоналарини зарур хом ашё билан таъминлайди. Шунингдек, ҳар йили 40 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Янги мажмуада 900 дан зиёд иш ўрни яратилди. Амалга оширилаётган бу каби лойиҳалардан кўзланган мақсад замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш орқали энергия ресурсларини тежаш ва атраф-муҳит ифлосланишининг олдини олишдан иборатдир. "Навоийазот" АЖда қурилаётган яна бир йирик лойиҳа ҳам азот кислотаси ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган мажмуа ҳисобланади.

– Умумий қиймати 217 миллион долларга тенг ушбу объект Швейцариянинг "CASALE SA" компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилмоқда, – деди "Ўзкимёсанот" АЖ бўлим мутахассиси Мадина Абдуллаева. – Корхона йилга 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Ҳозирги кунда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари яқунланаётди. Мажмуани 2020 йил февраль ойида ишга тушириш режалаштирилган. Янги қувват ишга туширилгач, 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр энергия сарфи 18 баробар камаяди, ҳавони ифлослантирадиган 150 минг тонна нитроз газлари тўтиб қолинади.



ҲАВО АЖРАТИШ ЦЕХИ: ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ

советиш усули билан ишловчи АКТ 16-2 ҳаво ажратиш қурилмаси ва К-950 маркадаги ҳаво компрессори фойдаланишга топширилган. Йиллар давомида ҳаво ажратиш цехи ишчи-ходимлари ўз билим ва малакаларини ишга солиб, бу қурулмаларни соз ҳолатда ишлатиб келди. Ҳаво ажратиш цехи ишчи-ходимларининг касбий тажрибаларини ҳисобга олиб, жамият тасаруфига кирувчи ва тоза азот

■ Барчага маълумки, ҳаво ажратиш цехи "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятининг муҳим бир бўлаги ҳисобланади. Чунки ҳаво ажратиш цехи жамиятнинг асосий ва ёрдамчи цехларини бир маромда ишлаши учун юқори тозаликдаги тоза азот газини музлаш харорати - 40°C дан паст бўлмаган КИП ҳавоси ҳаво компрессорларидан сўнг бериладиган техник ҳаво ва республикамиздаги наслчиликни ривожлантириш мақсадида ишлатилган суюқ азот билан таъминлаб келмоқда. Ҳаво ажратиш цехининг ҳозирги фаолияти билан танишишдан аввал унинг тарихига назар солмасдан илочи йўқдир.

Ҳаво ажратиш цехи 1964 йилда ишга туширилган. Ишга тушириш жараёнида технология қурилмаларини ВНИИ "Армогенмаш" лойиҳалаган ва шу йили чуқур советиш йўли билан ишловчи унмдорлиги тоза азот бўйича 15000 м³/с технологик кислород бўйича

7840 м³/с ва техник кислород бўйича 160 м³/с бўлган иккита БР-6 қурилмаси ва К-500 русумида ҳаво компрессорлари ишга туширилган. 1972 йилда Ҳаво ажратиш цехининг унмдорлигини янада кўтариш мақсадида тоза азот бўйича 16000 м³/с, технологик кислород бўйича 8850 м³/с ва техник кислород бўйича 150 м³/с бўлган чуқур



(Давоми 2-бетда).



ҲАВО АЖРАТИШ ЦЕХИ: ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ

(Бошланиши 1-бетда).

газани компрессорларда сиқиқ бериш учун 111-корпусини 2000 йилда тоза азот газини юқори босимга сиқиқ учун фойдаланиладиган 302-корпусини 2008 йилда ҳаво ажратиш цехи тасарруфига ажратилди.

Утган йиллар мобайнида цех ишчи-ходимлари ўз билим ва малакаларини мунтазам равишда ошириб бериш натижасида кўплаб ютуқларга эришиб келинмоқда. Айниқса, цехнинг КИП чилангарлари Бахтиёр Назаров, Азизбек Холматов, цех чилангарларидан Зейдилло Ибрагимов, Комил Орипов, цех технологларидан Оксана Семизорова, Ермухаммад Ураимов, цех электрликларидан Зиқрилло Нажмиддинов, лаборант Светлана Закурдаева-лар ўзларини кўп йиллик тажрибаларини ўсиб келаётган ёш авлодга ўргатиб, уста-шо-гирд анъаналарини давом эттириб келмоқдалар.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, энергияни тежовчи замонавий қурилмаларни татбиқ қилиш тўғрисидаги қарорлари, қолаверса, "Farg'onaazot" АЖ раҳбарияти ва етакчи мутахассисларининг

ишчил ҳаракатлари натижасида 2012 йилда ҳаво ажратиш цехининг реконструкция ва модернизация қилиш ишлари бошлаб юборилди. Барча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилгандан сўнг бош пудратчи "Energy Power Solution LTD" билан унумдорлиги тоза азот бўйича 17000 м³/с, техник кислород бўйича 550 м³/с, суюқ азот бўйича 70 кг/с, суюқ кислород бўйича 60 кг/с, қурилган ҳаво бўйича 5000 м³/с бўлган ва шу қурилмасини сиқилган ҳаво билан таъминлаб берувчи ҳаво компрессорларидан иборат AFPLA-17000 ҳаво ажратиш қурилмасини етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди.

2017 йилда энергияни тежовчи тўлиқ автоматлаштирилган, яъни қўл меҳнати камайtirилган афпла-17000 қурилмасини етказиб бериш ва қурилиши амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Қурилиш монтаж ишларини тез ва сифатли амалга оширишда "Farg'onaazot" АЖ раҳбарияти, Истикболли ривожланиш ва инвестициялар бошқармаси, жамиятнинг етакчи мутахассислари, шунингдек, ҳаво ажратиш цехини ўша даврларда бошлиғи

бўлган Умиджон Султонов, цех бошлиғининг технология бўйича ўринбосари Азимжон Тўхтабоев, цех бошлиғининг жиҳозларни таъмирлаш бўйича ўринбосари Нозимжон Осимов, цехнинг инновацион ғояларини амалга ошириш бўйича муҳандиси Файратжон Ҳамдамов, цехнинг КИП устаси Мирзохид Абдирахимов, цех энергетика Содиқжон Мўминов, цех жиҳозларини таъмирлаш устаси Азизбек Холиқов ҳамда цехнинг қолган барча ишчи-ходимлари, қурилиш ва таъмирлаш цехи, марказлашган қурилмаларни таъмирлаш цехи ва техника хавфсизлигини таъмирлаш бўлими ишчи-ходимлари жонбозлик кўрсатишди.

Қурилиш ишлари 2019 йилнинг июни ойи охирида якунига етказилди ва август ойида Хитой Халқ Республикасидан келган мутахассислар билан биргаликда қурилма ишга туширилди. Ҳозирги кунда "Farg'onaazot" АЖнинг барча цехлари янги ишга туширилган ҳаво ажратиш қурилмаси маҳсулотлари билан таъминлаб келинмоқда.

Ҳаво ажратиш цехига замонавий ҳамда илғор технология-

ларни ўрнатишни ўзига хос сабаблари бор. Чунки, эски ҳавони ажратиш қурилмаларига юқори электр энергияси сарфлаган. Ҳисоб китобларга кўра, 1000 м³ тоза газ ҳолатидаги азот ишлаб чиқариш учун 2000 кВт электр энергияси сарф этилган. Янги ишга туширилган ҳаво ажратиш қурилмасида эса ҳар 1000 м³ тоза газ ҳолатидаги азот ишлаб чиқариш учун 290 кВт электр энергияси сарфланмоқда. Бундан ташқари эски ҳавони ажратиш қурилмалари тўлиқ қўл меҳнати билан бошқарилган бўлса, янги қурилмада жараёни бошқариш тизими тўлиқ автоматлаштирилиб, компьютер орқали масофадан туриб бошқарилмоқда. Яна бир асосий афзаллиги, эски ҳавони ажратиш қурилмасини нормал режимга тушириш учун 40 сутка вақт сарфланган бўлса, янги замонавий ҳавони комплекс тозалаш қурилмасида бир қанча жараёнлар 36 соат мобайнида тўлиқ нормал ҳолатда ишга туширади. Бу эса ҳаво ажратиш қурилмасини ишга туширишдаги барча сарф-ҳаражатларни сезиларли даражада камайтиради.

Умуман олганда, ҳозирги кунда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг асосий мақсади, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш орқали, энергия ресурсларини тежаш ва атроф муҳитни ифлослантирилишини олдини олишдан иборатдир.

НОЗИМЖОН ВОХОБОВ,
Ҳаво ажратиш цехи бошлиғи.

«Farg'onaazot» АЖ:
шонли тарих ва нурли келажак

КАРБАМИД – ЮҚОРИ САМАРАЛИ МИНЕРАЛ ЎҒИТ

«Farg'onaazot» АЖ тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот ёки цехлар ўзига хос тарихга эгадир. Кўп йиллик машаққатли меҳнат ва изланишлар натижасида бугунги кунда корхонамиз Марказий Осиеда энг йирик минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводлар қаторига кирган.

Газета ва архив ҳужжатларни варақлаганимда юрагимга яқин бўлган йилларни эслаб, заводимиз қандай фаолият бошлагани ва қандай қурилгани, қурувчилар, монтажчилар, техник хизмат кўрсатувчи ходимлар, заводнинг барча ходимлари узоқ вақтдан бери қутилган гранулали карбамиднинг дастлабки тонналари ишлаб чиқарила бошлаганида хурсанд бўлишаркан. Республикамизда энг йирик заводлардан бири корхонамизнинг асосчиларидан бўлган юқори малакали муҳандис-техник ва мутахассисларнинг исмларини эсламаслик мумкин эмас.

1984 йил 29 декабрда биринчи марта Буга Геннадий Степанович бошчилигида грануляция минорасидан карбамиднинг биринчи тонналари тушди. Шу боис корхона ҳақида гап кетганда, «Ўзбекистонда биринчи марта» сўзлари тез-тез учрайди. Ушбу сўзлар бизнинг корхонамизнинг кўплаб соҳаларига хос бўлиб қолди. Республикамизда биринчи марта триацетил целлюлоза, йирик тоннали аммиак ишлаб чиқариш агрегати, хлор-магний дефолианти, кучсиз нитрат кислота ва аммиакли селитра цехлари замонавий технологияларда ишлаб чиқарилди. Ишга тушириш вақтида Ўзбекистонда бундай йирик карбамид ишлаб чиқариш агрегати мавжуд бўлмаган.

Карбамид ишлаб чиқариши қуриш учун 104 гектар ер майдони ажратилди. Голландиянинг «Стамисарбон» компанияси лицензиясига биноан йилга 330 минг тонна қувватга эга карбамид ишлаб чиқариш цехини қуришнинг техник-иқтисодий асослари кўриб чиқилди. Асосий техник усқуналар Чехиядан келтирилди. Шундан кейин янги қурилиш майдончасида экскаватор ва булдозерлар шиддат билан иш бошлади. Тупроқ уюмлари орасидан қазилган тоғларни бўшаштириб ташлашда, аста-секин қурилаётган биноларнинг устунлари кўрина бошланди. Қурилиш-монтаж таъмирлотлари ишчилари катта иштиёқ билан иш навбатда ишлади.

Бундай изчил саъй-ҳаракатлар, юқори меҳнат самарадорлиги натижасида пойдеворларда бирин-кетин устунлар кўтарилди. Усқуналар ва жиҳозлар ўрнатилди, қувурлар тортилди. Қурилиш 1982 йилнинг январь санасида бошланди. 1984 йил 29 декабрда қуриб битказилди ва синов маҳсулоти - карбамид ишлаб чиқила бошлади. Бугунги кунда корхона жамоаси карбамид цехини ишга туширилганининг 35 йиллигини нишонлаётганида қурувчилар ва монтажчиларнинг исмларини фахр билан эслаб ўтиш жоиздир. Фахри Сулаймон, Фанк Анатолий, Ярул Воҳидов, Дубай Костя, Владимир Бек, Сервер Измаилов, Борис Яковлев, Анатолій Скворцов, Лиан Аппазов, монтаж ишчилари Н.Лакинов, В. Голишев, двигатель монтажчилари И.Педер, Т. Сейжмилев, И.Жаворонков, МУ-2 дан В.Шило, «Узэлектромонтаж»дан К.Бучелников ҳамда Ўнлаб, юзлаб инсонлар ноёб карбамид заводини қуриш ва сошлаш пайтида жуда кўп қуч-қувват ва билимларини сарфлаганлар. Заводнинг бошқариш бўлимидан В.Минораев, Б.Зарский, Ж.Арифов, капитал

қурилиш бўлимининг ишчилари Н.Кузнецова, М.Аблаева, Н.Томилова-ларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди. Р.Трибунский, Т.Нишанов ва карбамид ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилиши ва ишлаб чиқилишида бевосита қатнашган ишчилар А. Анохин, Н.Уният, О.Иванова, Б. Мадаминов, Х.Раҳматуллаева, А. Махмутова, М.Юнусов, С. Ахмадалиев, Н.Ушикова, В.Ахметьяновалардир.

Мустақиллик йилларида корхонани ҳар томонлама модернизация қилиш, замонавий технологиялар билан жиҳозланган, ҳалқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ишлаб чиқаришда усқуналарни қайта жиҳозлаш устувор йўналишлардан бирига айланди. Бу борада корхонамизда хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришга янги илғор технологиялар ва бошқарув усқуналарини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хорижий сармоялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини замонавий равишда амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги 4265-сонли «Кимё sanoatini янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ корхонамизда ишлаб чиқариш цехларида бир қатор ижобий ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Умид қиламизки, меҳнат жамоамиз ушбу вазифаларни муваффақиятли бажаради ва корхона йилномаларига яна кўплаб ёрқин саҳифаларни қўшади. Карбамид цехи ишчи-ходимларини ушбу аjoyиб юбилей билан табриклаймиз! Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва маҳаллилаштириш бўлими номидан карбамид цехининг ташкил топганининг 35 йиллиги билан раҳбарият ва барча ишчи-ходимларни чин қалбимдан табриклайман!

Таъкидлаш ўринлики, карбамид ишлаб чиқариш цехи замонавий ишлаб чиқариш ва илғор технологик базага ва юқори малакали кадрларга эга корхонанинг етакчи цехларидан биридир. Жамоанинг фидокорона меҳнати ва самарали ишлаши тўғрисида энг яхши анъаналар сақланиб қолмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини жадал ривожлантириб боришда меҳнат жамоа келажакка ишонч билан ҳамда ўз ишида экологик хавфсизлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор бериши жуда муҳимдир. Юқори самарали, фидокорона меҳнат, маъсуляти ва ташаббус бизга аjoyиб натижаларга эришишга ва йилга 360 минг тоннагача лойиҳавий қувватни оширишга имкон бериди.

Бугунги кунда цех ишчилари янги режалар ва юқори мақсадларни қўлаб, кўп йиллик бой таъриба, профессионаллик ва жамоанинг бирдамлиги олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаради давом этишига қатъий ишондилар. Цехнинг барча ходимларини ишларига ривож тилган ҳолда корхона ва бутун Ўзбекистон ривожини ушбу самарали ишларида омадлар тилаб қоламиз!

Қобилжон НАЗИРОВ,
ИЧМ ва МБ раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК! АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан пойтахтимизда жойлашган Алишер Навоий номидаги Давлат академик театрида ўтказилган «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» шиори остидаги тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ҳар бир соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари алоҳида таъкидланди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтган йилларда турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда Ватанимиз раванқи йўлида бор имкониятларини ишга солиб фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш, ёш мутахассисларнинг иқтисод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, кундалик ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ишчи касби эгаларининг касбий маҳоратларини ошириш, кўп йиллик илғор

иш тажрибасига эга бўлган инсонларни эъозлаш мақсадида бир қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилди. Ана шундай ижтимоий лойиҳалардан бири Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» Республика танловидир. Бу борадаги ишларни янада кучайтириш, хусусан, мамлакатимизда ишчи касбларини ривожлантириш ва тарғиб этиш, иқтидорли ёш ишчи мутахассисларнинг ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашга бўлган интилиш ва қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, ёш ишчи мутахассислар истеъдоди ва ижодий қобилиятини рўёбга чиқариш ҳамда муносиб рағбатлантириш, уларнинг кўникма ва

малакаларини, касбий маҳоратларини ошириш, малакали мутахассисларни халқаро танловларга тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» Республика танлови ўтказилиши анъанага айланган. Мазкур танлов ёшлар томонидан зўр қизиқиш билан қутиб олинди. Уч боқичда ташкил этилган танловнинг барча босқичларида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёш ишчи мутахассислар фаол қатнашдилар. Жумладан, танловнинг қуйи босқичлари қатнашчилари пайвандлаш, автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги машиналарига хизмат кўрсатиш, қурилиш-пардозлаш ишлари, умумий қурилиш устаси, компютер ва дастурий инжинеринг техниги, миллий ва бадий либослар модельери, декоратив косметика, стоматология техниги, кимёвий таҳлил каби соҳаларда ўзлари эришган ютуқларни намойиш этдилар. Танловнинг якуний босқичида назарий билимлар ва амалий кўникмалар синовдан ўтган аниқланган ғолиблар «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик» номи тантанали тадбирда «Компьютер, компьютер жиҳозларини ишлатиш ва дастурий таъминоти бўйича техник», «Автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш чилангари», «Ортопедик стоматология техниги», «Қишлоқ ҳўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги», «Кимёвий таҳлил лаборанти» номинацияларида мукофотландилар.

Ғолибларга касаба уюшмалари Федерацияси дипломи, қимматбаҳо совғалар топширилди. Қувонарлиси, ана шундай совринлардан бири «Кимёвий таҳлил лаборанти» номинация ғолиби, «Farg'onaazot» АЖнинг марказий кимёвий лабораторияси кимёвий таҳлил лаборанти Умидаҳон Ғофуровага ҳам насиб этди.

И.УМАРОВ,
«Farg'onaazot» АЖ касаба уюшма қўмитаси ижтимоий-ҳимоя йўриқчиси.

Тараққиёт мезонлари

ЦЕХИМИЗДА КЎПЛАБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб корхонамизда ҳам катта имкониятлар яратилди, чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда жуда кўплаб лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, кучсизлантирилган азот кислотаси цехида ҳам янги модернизация ишлари олиб борилди, булардан КМА-2 агрегатидан янги замонавий кам энергия талаб этадиган КМА-5 агрегати алмаштирилиб, қуввати йилга 396 минг тонна кучсизлантирилган азот кислотаси ишлаб чиқаришга эришилди.



Албатта, бундай юқори натижалар серғайит меҳнат жамоа ҳамда изланувчан ёшларнинг самарали меҳнатидир. Бу борада корхонамиз раҳбарияти ёшларни ҳар томонлама етуқ кадр бўлишлари учун барча имконият ва шароит-

ларни яратиб бермоқда. Йилдан йилга корхонамизда меҳнат қилаётган ёшларга бўлган эътибор янада юксалиб бормоқда. Уларнинг билимини ошириш учун қўшни давлатларда бакалавр ва магистратура йўналиши бўйича имтиёзли шартнома асосида ўқишга юборилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 3 апрелдаги 4265-сонли «Кимё sanoatini янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан, инвесторлар билан кенг қўламадаги ишлар олиб борилмоқда. Ислохотлар натижаси ўлароқ «Farg'onaazot» АЖ нинг бизнес режаси ишлаб чиқилди. Бизнес-режага асосан, «Casale» компанияси билан ҳамкорликда цехни модернизация қилиш ҳамда қўшимча кичик қувватли нитрат кислота ишлаб чиқариш агрегатини қуриш натижасида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 396000 тоннадан 530000

тоннага кўтарилди кўзда тутилган. Цехнинг технологик жараёнларини автоматик бошқариш тизими «Yokogawa-SHG» компаниясининг Япония технологиялари билан қайта жиҳозланиши тизимнинг ишончилиги ва тезкорлиги натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланди. Тараққиёт мезонларига ҳамоҳанг ислохотларнинг давоми сифатида ўтган 2019 йил мобайнида АК-72М цехида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 352 897 тоннани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич йиллик режа 106,8 фоизга бажарилгани-

ни кўрсатмоқда. Цехдаги БНГ-172Ф печида конвектив қиздириш қувурлари янгиланиши ҳисобига 1 тонна тайёр маҳсулот учун табиий газ сарфи 87 м³ дан 77 м³ гача камайtirилди. Таъкидлаш ўринлики, цех ҳудудида иссиқхоналар барпо этилиб, ишчи-ходимларга куз-қиш мавсумида бодринг, памидор, қалампир, мандарин каби маҳсулотлар арзон нархларда етказиб берилмоқда. Бу эса қиш мавсумида ишчиларимизнинг хонадонлари тўқини дастурхон билан файзли бўлишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Анвар НАБИЕВ,
АК-72М цехи бошлиғи.

14 января - ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ

НАЦИОНАЛЬНАЯ АРМИЯ – ГОРДОСТЬ НАРОДА

14 января 1992 года парламент Узбекистана принял решение о переходе всех частей и соединений, военных учебных заведений и других воинских формирований, дислоцированных на территории страны, под юрисдикцию Республики Узбекистан. Тем самым было положено начало созданию собственных Вооруженных Сил страны. И поэтому именно этот день был провозглашен Днем защитников Родины.



Этот день поздравляют всех мужчин Узбекистана, ведь изначально каждый мужчина — это, прежде всего, защитник своей родной земли. Но особенно теплые и торжественные слова звучат в адрес военнослужащих, для которых этот день является профессиональным праздником.

Служба в рядах Вооруженных Сил — почетная и ответственная. И наши сограждане, решившие посвятить свою жизнь такому великому делу, как защита Родины, пользуются заслуженным уважением народа.

Недаром каждый год 14 января - День защитников Родины, широко и торжественно отмечается повсюду в стране.

Одним из важных направлений государственной политики является адекватная оценка работы национальной обороны и всех правоохранительных органов по обеспечению свободной и мирной жизни нашего народа. Армия и народ — едины, и цель у них одна — мир на нашей земле, на всей планете.

В сегодняшнем мире опасность международного терроризма, экстремизма и радикализма побуждает всех нас

осознавать и требует от наших Вооруженных Сил укрепления их боевых возможностей. В последние годы в нашей стране были проведены радикальные реформы по военным и политическим вопросам, и наша национальная армия наращивает боеготовность против любой угрозы. Кроме того, совершенствуются знания, навыки и духовная подготовка каждого военнослужащего. В целях создания достойных условий жизни особое внимание

уделяется строительству многоэтажных жилых домов, предназначенных для семей военнослужащих, зачислению их детей в высшие учебные заведения, благоустройству военных городков и созданию современной социальной инфраструктуры.

В связи с праздником в стране проводятся мероприятия духовно-просветительского характера — встречи, фестивали и акции под девизом «Патриотизм — гарантия национального развития».

ЭТО ИНТЕРЕСНО И ЛЮБОПЫТНО

В номере газеты «Кизил Узбекистон» от 26 июля 1928 года появилось сообщение, что комсомольцы Борис Грабовский и Иван Белянский из Ташкента изобрели аппарат «телефот», посредством которого можно видеть, как тогда писалось, на расстоянии по радио на десять и более километров. День 26 июля 1928 года стал одним из памятных в истории отечественной телетехники.



Этот день состоялась первая в мире демонстрация телевизионной передачи с использованием электронных способов разведки изображения, как на передающей, так и на приемной станциях.

Как известно, электронные лучи для приема телевизионного изображения впервые применил известный русский

ученый, профессор Б.Л.Розинг. В 1911 году он публично продемонстрировал свое изобретение. Однако, в его аппарате электронно-лучевая трубка находилась только в приемнике. Задачу по созданию передающей электронно-лучевой трубки еще предстояло решить. За работу по осуществлению этой задачи взялись физики: студент Среднеазиатского

университета Б.П.Грабовский, инженер В.И.Попов из Саратова, преподаватель физики Н.Г.Пискунов. Они разработали оригинальную систему, включавшую передающую электронную трубку. Свою систему изобретатели назвали — «телефот». Она была запатентована в нашей стране 9 ноября 1925 года (по чертежам изобретателей на заводе «Светлана» в Ленин-

граде для телефота были изготовлены передающие и приемные трубки. Одна из них демонстрируется сейчас в Центральном музее связи имени А.С.Полова).

После трех лет контрольной работы, которую продолжали вместе Б.П.Грабовский и его ассистент — работник научно-испытательной станции Среднеазиатского округа связи И.Ф.Белянский, была создана телевизионная установка на новых, в то время, принципах. В протоколе, составленном комиссией, после первой демонстрации «телефота» говорилось, что работы, проделанные Грабовским и Белянским, являются ценными, как с научной, так и с практической стороны, т.к. они доказали на опыте правильность и бесспорность теории, заложенной в основу электронной телескопии, разработанной известным ленинградским профессором Б.Л.Розингом.

Мухаммад МАХМУДОВ,
ветеран труда.

Конкурс «MODERN SPECIALIST»

Для реализации механизма

«СОЦИАЛЬНОГО ЛИФТА»

В целях реализации Программы мероприятий по государственной молодежной политике в системе АО «Узкимёсаноат» на 2019 год и выполнения задач, обозначенных в дорожной карте по созданию механизма «Социальный лифт», в акционерном обществе «Farg'onaazot» проведен конкурс «Modern Specialist» - «Современный специалист».

В конкурсе участвовали молодые работники в возрасте до 30 лет. Участниками конкурса было представлено более 20 инновационных проектов собственной разработки.

С инновационными идеями с жюри поделились молодые специалисты из центральной химической лаборатории, ОТК, Производственного отдела, научно-технического развития, цеха «Аммиак-3», АК-72М, ХМД, СЗЦ, цеха по производству соды, цеха водопароснабжения, электроснабжения, ПВП, цеха по производству п/э мешков, КИПиА, ЦСЦ, ЦЦРЭО и РМЦ.

Проекты участников в соответствии с уставом конкурса, оценивало жюри в составе ве-

дущих специалистов предприятия.

